

Кредитнинг тўлиқ қиймати 31.5 % (ўттиз бир бутун беш)



Автосалондан енгил автомашина сотиб олиш учун истеъмом кредити бериш
тўғрисидаги 399159 / _____ / 2025 сонли КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ

05.12.2025

Хоразм вилоят

“Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки, бундан бўён шартнома матнида “Банк” деб юритилувчи номидан Низом ва Бош ишончномага асосан ҳаракат қилувчи Банкнинг Хоразм вилоят филиали Филиал бошқарувчи ўринбосари-фронт офис бошлиғи: J.Babajanov бир томондан ва кейинги ўринларда “Қарз олувчи” деб юритилувчи фуқаро KARIMOV UTKIRBEK OKTAMBAJEVICH (**паспорт маълумотлари:** AD4347211 , 19.08.2023 **йилда** IIV 33000 **томонидан берилган**) иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилувчилар ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 Банк Қарз олувчига **Chevrolet Equinox** русумли автотранспорт воситасини (кейинги ўринларда “Автоулов”) сотиб олиш учун ушбу шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартларда кредит маблағларини ажратиш, Қарз олувчи эса олинган кредитдан мақсадли фойдаланиш, ажратилган кредитни ва унга ҳисобланган фоиз тўловларини мазкур шартномада белгиланган муддатларда ва шартлар асосида тўлаган ҳолда қайтариш, Автоуловни ўз номига расмийлаштирилгандан сўнг, ўрнатилган тартибда гаров қўйиш мажбуриятини олади.

II. КРЕДИТ МИҚДОРИ ВА КРЕДИТНИ АЖРАТИШ ШАРТЛАРИ

2.1 Кредитнинг умумий суммаси **120 000 000.00** (бир юз йигирма миллион) сўмни ташкил этади.

2.2 Кредит бериш учун Қарз олувчига алоҳида ссуда ҳисобварағи очилади. Қарз олувчининг ёзма топшириқномаси (аризаси)га асосан ссуда ҳисобварағидан кредит маблағлари нақдсиз шаклда ўтказилади. Қарз олувчининг ёзма топшириқномаси (аризаси), ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 календарь кунидан ошмаган муддатда тақдим этилиши лозим (кредитни ўзлаштириш муддати). Бунда 1- босқичда енгил автомашина сотиб олиш бўйича тузилган шартноманинг 90 фоизигача маблағлар (кредит ва бошланғич бадал) сотувчига ўтказиб берилади ва қолгани, яъни 10 фоизи қарз олувчи томонидан банкка автотранспорт воситасининг кузови (VIN) рақами тўғрисида маълумот тақдим этилганидан сўнг ўтказиб берилади.

2.3 Ушбу Шартноманинг 2.1- бандида кўрсатилган кредит суммаси Қарз олувчининг ёзма топшириқномаси (аризаси) асосида товарлар сотувчиси _____ ўртасида тузилган _____.20 _____ йилдаги _____ - сонли шартномага асосан тўловлар сотувчининг ҳисоб варағига нақдсиз шаклда пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.4 Кредит имтиёзли даврсиз: 48 ой муддатга берилади.

2.5 Кредитдан фойдаланганлик учун фоиз тўлови йиллик 29.5 фоизни ташкил этади. Кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси тури: **ўзгармас**

2.6 Кредит бўйича фоизлар Банк томонидан ҳар куни мазкур Шартноманинг 2.5- бандида белгиланган фоиз ставкасида ва кредит берилган санадан бошлаб Қарз олувчининг ссуда ҳисобварағидаги кредит суммаси колдиғига нисбатан ҳисоблаб борилади.

2.7 Бошланғич бадал сифатида топширилган пул маблағларининг 40 000 000.00 (қирқ миллион) сўмни ҳамда кредит билан бирга енгил автомашина етказиб берувчи ташкилотнинг ҳисобварағига ўтказиб берилади.

2.8 Алоҳида шартлар: кредит таъминоти ҳужжатлари (суғурта шартномаси; суғурта полиси ва кредит тўлиқ муддатига суғурта мукофоти тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим этилгандан сўнг кредит ажратилади.

III. ҚАРЗ ОЛУВЧИ (БИРГАЛИКДА ҚАРЗ ОЛУВЧИ)НИНГ ТАСДИҚНОМАСИ

3.1 Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) қуйидагиларни тасдиқлайди:

- Банкка тақдим этилган (этиладиган) кредитни расмийлаштириш ва олиш учун ҳужжатлар ва маълумотлар бундай ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этилган санада ҳақиқий ва ишончли ҳисобланишини;
- Қарз олувчига (Биргаликда қарз олувчи) нисбатан фуқаролик, маъмурий ёки жиноят иши қўзғатилмаганлигини;
- Биргаликда қарз олувчи ушбу шартнома мажбуриятлари юзасидан биргаликда жавоб беришини ва ушбу мажбуриятлар ҳақиқий ҳисобланишини.
- агар Қарз олувчи тўловларни амалга оширишга ёки ушбу шартномада белгиланган талаблардан исталганини бажаришга қодир бўлмаса, шу жумладан, кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинган автомашинани гаровга қўймаса, Банкнинг кредитни муддатидан олдин қайтаришни ва кредитга ҳисоблаб ёзилган фоизлар ва бошқа тўловларнинг муддатидан олдин тўланишини талаб қилишга, ундирувни кредит таъминоти сифатида қабул қилинган ҳар қандай турдаги мол- мулкларга уларни Банк билан келишилган нархларда реализация қилишга, муддатида тўланмаган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни Қарз олувчининг (Биргаликда қарз олувчининг) банкларда очилган барча турдаги ҳисобварақларидаги, шу жумладан, унинг депозит ва банк картаси ҳисобварақларидаги пул маблағларини акцептсиз ҳисобдан чиқаришга ҳақли эканлигини тан олишини ва бунга эътироз билдирмаслигини;
- Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг банк карта ҳисобварақлари Банкнинг автотўлов хизматида уланишига рози эканликларини ва ушбу хизмат орқали Банк томонидан кредитнинг тўлов муддати келган қисми ва унга ҳисоблаган фоизларни қоплаш учун етарли бўлган маблағлар Қарз олувчи ва Биргаликда қарз олувчининг банк карта ҳисобварақларидан қўшимча огоҳлантиришларсиз автоматик тарзда ҳисобдан чиқарилиши тушунтирилганлигини.
- Қарз олувчининг ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг ушбу шартномага, Фуқаролик кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик келтириб чиқариши ҳақида огоҳлантирилганлигини;
- Қарз олувчи ўзи ҳақидаги ва унга Банк томонидан ажратилаётган кредит тўғрисидаги маълумотларни “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахборотининг давлат реестрини юритиш департаментига” (КАДР), “Кредит ахборотлари таҳлил маркази” (КАТМ) Кредит бюроси МЧЖга ҳамда гаровга унинг тақдим этилган объектлар тўғрисидаги маълумотларни “Гаров реестри” ДУКга тақдим этилишига розилигини;
- кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинаётган автомашинани Банкнинг кредит таъминоти сифатида Банкка гаровга қўйишга Қарз олувчи эри/ хотинининг хабари бор ҳамда белгиланган тартибда Қарз олувчи эри/ хотинининг _____.20__ йилдаги розилиги (розилик хати) мавжудлигини.

IV. КРЕДИТНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

4.1. Қарз олувчи ушбу шартнома ва у билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни тайёрлаш, расмийлаштириш, рўйхатга олиш билан боғлиқ ўз зиммасига олган барча харажатларни Банкнинг биринчи талабига кўра тўлаб беради. Кредитнинг асосий суммаси ва фоизларини тўлаш усули: дифференциал ёки аннуитет (керакли тўловнинг тагига чизилади).

4.2. Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) кредит тўловларини (асосий қарз ва фоиз) ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган тўловлар жадвалига мувофиқ ҳар ойда босқичма-босқич ўз санаси ва суммаси доирасида тўлаб боради

4.3. Қарз олувчининг сўровига (топшириғига) асосан, Қарз олувчидан жорий тўлови учун кредитни қайтариш жадвалида белгиланган суммадан ортиқча маблағ келиб тушса, Банк келиб тушган маблағнинг ортиқча қисмини Қарз олувчининг асосий қарзини сўндиришга йўналтирилиши лозим.

4.4. Кредитнинг қисман муддатидан олдин сўндирилиши муносабати билан кредит бўйича тўловларни амалга ошириш саналари ва муддатлари ўзгармайди. Фоиз тўловлари асосий қарзнинг қолдиғига нисбатан ушбу шартнома қоидаларига мувофиқ ҳисобланади.

4.5. Агар амалга оширилган тўлов суммаси Қарз олувчига ажратилган кредит бўйича

мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлмаса, Қарз олувчининг қарзи қуйидаги навбатда қопланади:

- 1) асосий қарз бўйича муддати ўтган қарздорлик ва муддати ўтган фоиз тўловлари мутаносиб равишда;
- 2) жорий давр учун ҳисобланган фоизлар ва жорий давр учун асосий қарз бўйича қарздорлик;
- 3) неустойка (жарима, пеня);
- 4) банкнинг қарздорликни узиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлари (почта харажатлари, давлат божи ва бошқалар).

4.6. Банк ушбу шартноманинг 4.5 - бандига мувофиқ тўлов муддати келган, лекин тўланмаган кредитни, кредитга ҳисобланган фоиз ва неустойкаларни Банкнинг автотўлов хизмати орқали Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг банк карта ҳисобварақларидан акцептсиз тартибда ечиб олади.

4.7. Мазкур шартнома тузилганидан сўнг кредит бўйича молиялаштиришни бошлаш муддатлари ўзгарса, шартнома шартлари томонлар ўртасида қайта кўриб чиқилса (шу жумладан, кредит реструктуризация қилинса), ушбу шартномага қўшимча келишув расмийлаштириш йўли билан тўловлар жадвалига ўзгартириш киритилади.

4.8. Қарз олувчи ушбу шартнома ва у билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни тайёрлаш, расмийлаштириш, рўйхатга олиш билан боғлиқ барча харажатларни Банкнинг биринчи талабига кўра тўлаб беради.

V. КРЕДИТ ТАЪМИНОТИ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР

5.1. Кредит таъминоти қуйидаги кетма-кетлик бўйича икки босқичда амалга оширилади:

5.1.1. Биринчи босқичда - Кредит ҳисобига сотиб олинаётган автоулов қарз олувчи номига расмийлаштирилиб, гаровга тақдим этилгунга қадар, кредит таъминоти сифатида **2023 yilda ishlab chikarilgan Chevrolet Equinox avtomashinasi** ” суғурта компаниясининг **160 000 000.00** (бир юз олтмиш миллион) сўмлик кредитни қайтмаслиги суғурта полиси расмийлаштирилади. Автоулов қарз олувчи номига расмийлаштирилгандан сўнг, ўрнатилган тартибда **160 000 000.00** (бир юз олтмиш миллион) сўм миқдорида гаров шартномаси расмийлаштирилади.

5.1.2. Иккинчи босқичда - Қарз олувчи томонидан банкка автотуловнинг кузови (VIN) рақами тўғрисида маълумот олиниб, давлат рўйхатида ўтказилгандан сўнг 10 кун ичида автоуловни гаровга қўйиш учун нотариал тартибда турмуш ўртоғининг розилик хати тақдим этилганидан кейин банкда гаров шартномаси тузилади ва Гаров реестри орқали "Нотариус" ахборот тизимида тақиқ қўйилади. Шунингдек банк ва суғурта ташкилотига автотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси тақдим қилинади.

5.2. Қарз олувчи кредитни таъминлашни кредит суммасининг камида 125 фоизи даражасида тутиб туради.

Гаровга қўйилган автоуловга шикаст етказилган ёки турли сабабларга кўра яроқсиз ҳолга келтирилган тақдирда, Қарз олувчи ўн кун муддат ичида юқори ликвидли бошқа мулкни гаровга қўйиш йўли билан кредит таъминотига алмаштириб бериш мажбуриятини олади.

5.3. Кредитнинг таъминланишини белгилувчи ҳужжатлар (битим, шартномалар) ушбу шартнома билан ўзаро боғлиқ ҳисобланади ва мазкур шартнома бўйича Қарз олувчи томонидан олинган мажбуриятлар бажарилишини таъминлашга хизмат килади.

5.4. Кредитнинг қайтарувчанлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни зарур даражада расмийлаштириш бўйича ҳар қандай харажатларни Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) ўз зиммасига олади.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

6.1 Банкнинг ҳуқуқлари:

6.1.1. Қарз олувчининг молиявий ҳолатини, гаровга қўйилган автомашинанинг техник ҳолатини назорат қилиб туриш;

6.1.2. Қарз олувчидан мажбуриятларни бажаришда назоратни амалга ошириш учун керакли ҳужжатларни сўраб олиш;

6.1.3. Банк ажратилган кредитнинг муддати келган қисмини, кредитга ҳисобланган фоиз ва неустойкаларни Банкнинг автотўлов хизмати орқали Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг банк карта ҳисобварақларидан акцептсиз тартибда ечиб олиш.

Бундай банк операцияси Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)ни олдиндан огоҳлантиришсиз, тўлов муддати келган санада ва ундан кейинги ҳар қандай санада автоматик амалга оширилади.

6.1.4. Қарз олувчи ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кредитни бир ой муддатда ўзлаштирмаган тақдирда, Банк ушбу шартномани бир томонлама тартибда Қарз олувчини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бекор қилиш;

6.1.5. Банк томонидан ўрнатилган тартибга мувофиқ, қўшимча харажатлар талаб қилинадиган, қарз олувчининг қўшимча топшириқларини, у томонидан қўшимча харажатлар тўланмагунга қадар бажармаслик;

6.1.6. Қарз олувчи томонидан мазкур шартноманинг 8- бўлимида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари юзага келган тақдирда, Банк ўз хоҳишига кўра куйидаги ҳаракатлардан бирини амалга ошириши мумкин:

- Қарз олувчига мажбуриятларни бажармаслик ҳолати юзага келганлиги ва уни бартараф этиш учун муддатни белгиланган ҳолда ёзма билдиришнома (эътироз хати) юбориш;
- Қарз олувчи томонидан мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари юзага келганда унинг банкдаги барча ҳисобварақларидан маблағларни қарз олувчининг розилигини олмаган ҳолда ечиб олиш;
- ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини қўшимча равишда таъминланишини талаб қилиш;
- Қарз олувчидан кредитнинг ҳаммасини ёки унинг бир қисmini ушбу шартноманинг 8- бўлимида кўрсатилган ҳолатлар юз берганда белгиланган тартибда муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш;
- кредит бўйича барча қарздорликларни кредит таъминоти юзасидан тузилган шартномаларда (гаров, кафиллик ва ҳ.к.) белгиланган тартибда таъминотга қаратган ҳолда ундириш.

6.1.7. Банк амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

6.2 Қарз олувчининг ҳуқуқлари:

6.2.1. Ушбу шартноманинг 2.2- бандида кўрсатилган давр мобайнида ва мазкур шартномада кўрсатилган сумма ва мақсадлар доирасида ссуда ҳисобварағидан тўловни амалга ошириш бўйича ариза бериш;

6.2.2. Мазкур шартнома шартларига амал қилган ҳолда Қарз олувчи ҳеч қандай жарима санкцияларисиз, исталган вақтда кредитни қисман ёки тўлиқ муддатидан олдин сўндириш;

6.2.3. Банкни олдиндан хабардор қилиб, Ушбу шартнома тузилгандан кейин ва мижоз томонидан пул маблағлари олингунга қадар бўлган даврда қарз олувчи кредит олишдан бепул асосда воз кечиш;

6.2.4. Ушбу шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни тўлиқ бажарган ҳолда мазкур шартномани муддатидан олдин бекор қилиш.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1 Банкнинг мажбуриятлари:

7.1.1. Кредит бериш учун Қарз олувчи томонидан барча зарур шартлар бажарилгач, кредит маблағларини Қарз олувчининг ёзма топшириқномасига (аризасига) асосан автомашина сотувчисининг (диллернинг) ҳисобварағига белгиланган тартибда ўтказиб бериш;

7.1.2. Банк томонидан Қарз олувчини кредит тўловларини оширилиши ёки камайтирилиши сабаблари, кредитни беришни рад этиш, кредитни муддатидан олдин ундириш ва ундирувни кредит таъминотига қаратиш сабаблари тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиниш.

7.2 Қарз олувчининг мажбуриятлари:

7.2.1. Кредитдан фойдаланиш жараёнида олинган кредитни ва у бўйича ҳисобланган фоизларни ушбу шартнома шартларига ҳамда тўлов жадвалига мувофиқ муддатида тўлаб бориш;

7.2.2. Кредитлашнинг мақсадлилиқ, таъминланганлик, муддатлилиқ, қайтарилувчанлик ва тўловлилиқ тамойилларига қатъий амал қилиш;

7.2.3. Банк сўровига биноан Банк вакилларига кредит таъминоти олинган автомашина, кредитга тааллуқли бўлган бошқа мол- мулкларни кўздан кечириш ва ушбу шартнома бўйича қарз олувчининг мажбуриятларини бажарилишига тааллуқли бўлган ҳар қандай турдаги бошқа мол- мулкларни бориб кўриш имкониятларини яратиб бериш ва ушбу

жараёнларга тўсқинлик қилмаслик;

7.2.4. Банк талабига биноан ушбу шартнома амал қиладиган бутун давр мобайнида, Банкни кониктирадиган шакл ва мазмун бўйича Қарз олувчи, кафилнинг даромадлари тўғрисидаги ахборотни ва ушбу истеъмом кредитига тегишли бўлган бошқа маълумот ва ҳужжатларни Банкка тақдим этиш;

7.2.5. Почта ва электрон манзили, телефон рақами, иш жойи, фамилияси ёки исмидаги ва ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишига таъсир кўрсатишга қодир бўлган бошқа ҳолатлардаги ўзгаришлар тўғрисида Банкни 5 (беш) банк куни мобайнида хабардор қилиш;

7.2.6. Ушбу шартнома амал қиладиган муддат мобайнида қарз олувчи Банкнинг олдиндан розилигисиз ушбу шартномага ёки унинг шартларига зид бўлган бошқа турдаги битимларни, шу жумладан, кредит ҳисобига сотиб олинган автомашинани бегоналаштириш ва учинчи шахслар тасарруфига ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштирмаслик ва учинчи шахсларнинг кредитларини ва/ёки қарзларини жалб қилмаслик;

7.2.7. Қарз олувчининг учинчи шахслар олдидаги бошқа мажбуриятларидан олдин, ушбу шартнома бўйича ўз зиммисига олган мажбуриятларни биринчи навбатда бажариш;

7.2.8. Мазкур шартноманинг 5.1.2- бандида назарда тутилган барча ҳужжатларни Банкка тақдим қилиш ҳамда кредит ҳисобига сотиб олинган автоуловни гаровга қўйиш (гаров шартномасини имзолаш);

7.2.9. Мажбуриятларни бажариш таъминоти сифатида тақдим этилган мол- мулкни, шу жумладан, кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинган автомашинани ўз ҳисобидан кредит муддатига мос муддатга суғурталаш (пул маблағлари гаровидан ташқари);

7.2.10. Банк кредити ҳисобига сотиб олинган автомашинани мазкур шартноманинг 7.2.8- бандида кўрсатилган барча мажбуриятларни бажарганидан сўнг автосалондан олиб чиқиш.

VIII. МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛМАСЛИК ҲОЛАТЛАРИ

8.1. Ушбу бандда кайд этилган ҳодисалардан исталгани Қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ҳолатлари ҳисобланади:

- кредит ресурсларидан белгиланган мақсадларда фойдаланмаслик;
- Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) кредит, фоизлар ва/ёки бошқа тўловлар бўйича ушбу шартнома, унинг бўйича тўловлар жадвали, шунингдек, тузилиши ушбу шартномада белгиланган бошқа шартномалар бўйича белгиланган санада тўловларнинг амалга оширилмаганлиги;
- кредитлаш объектини автосалондан (диллердан) олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг Банкка тақдим этилмаганлиги;
- Банкни атайлаб ҳаққоний бўлмаган ҳужжатлар тақдим этган ҳолда чалғитиш;
- Банкни талаби бўйича кредит ҳисобига сотиб олинган автомашинани кўздан кечириш талабларини бажармаслик;
- Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) томонидан кредит таъминоти бўйича Банкка берилган исталган таъминот турининг қисман ёки тўлиқ ўз қийматини йўқотганлиги ёки уларга бўлган мулк ҳуқуқининг ҳақиқий эмас деб топилганлиги;
- Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) ва/ёки кафилнинг тўлов қобилиятининг ёмонлашганлиги ёки ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажарилмаслигига олиб келадиган аниқ маълумотларнинг яширилганлиги;
- кредит таъминоти сифатида Банкка гаровга тақдим килинган ҳар қандай турдаги мол-мулкларни, шу жумладан, кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинган автомашинани бегоналаштириш ҳамда учинчи шахсларнинг тасарруфига бериш;
- мазкур шартноманинг 5.1.2- бандида белгиланган муддатларда ва тартибда кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинган автомашинани гаровга қўймаслик ёки уни гаровга қўйишдан бўйин товлаш;
- ушбу шартнома шартлари ва унда назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги;
- мазкур шартнома билан боғлиқ бўлган бошқа шартномалар шартларининг (гаров, кафиллик, суғурта) бузилиши.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

9.1 Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши мазкур шартнома шартлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

9.2 Асосий қарзни кайтариш муддати кечиктирилганда (муддати ўтган кредитга), қарз олувчи Банкка бутун кечиктирилган давр учун ушбу шартномада белгиланган фоизнинг 1,5 баравари миқдорида фоиз тўлайди.

9.3 Фоизларни белгиланган муддатларда тўламаганлиги учун қарз олувчи Банкка кечиктирилган фоиз тўловининг ҳар бир куни учун кечиктирилган фоиз суммасининг 2.0 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган фоиз суммасининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

9.4 Қарз олувчи кредит маблағларидан мақсадсиз фойдаланса, Банкка мақсадсиз фойдаланган кредит суммасининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

9.5 Қарз олувчи томонидан ушбу шартноманинг 5.1.2- бандида белгиланган тартибда ва муддатларда кредит ҳисобига сотиб олинган автоуловни Банкка кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш кечиктирилган тақдирда, қарз олувчи Банкка гаровга қўйиш кечиктирилган ҳар бир кун учун автоулов гаров қийматининг 0,1 фоизи миқдорида, лекин автоулов гаров қийматининг 15 фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

9.6 Қарз олувчи кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинган автоуловни Банкка гаровга қўйишдан бош тортса, автоуловни яширса, шунингдек, автоуловни ва гаровга тақдим қилинган бошқа турдаги мол-мулкларни бегоналаштирса, учинчи шахслар ихтиёрига берса ва ушбу мол-мулкларни ноқонуний йўллар билан учинчи шахсларга реализация қилса ёки бошқа тарзда ўтказса, кредит умумий суммасининг 20 фоизи миқдорида Банкка жарима тўлайди.

9.7 Қарз олувчи томонидан ушбу шартноманинг 2.2 ва 2.3-бандларида кўрсатилган шартлар бажарилиб, Банк кредитни ўз вақтида ажратмаган ҳолатда, Банк Қарз олувчига муддатида ўтказиб берилмаган кредит суммасининг кечиктирилган ҳар бир куни учун 0,1 фоиз миқдорида, лекин муддатида ўтказиб берилмаган кредит суммасининг 20 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

9.8 Мазкур шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида неустойкаларнинг ундирилиши (тўланиши) Томонларни ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

Х. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

10.1 Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажарилмаганлик шартнома тузилгандан кейин, Томонлар олдиндан кўра олишмаган, оқилона чоралар билан бартараф этиши мумкин бўлмаган фавқулоддаги ҳодисалар натижасида вужудга келган, энгиб бўлмайдиган куч ҳолатларининг оқибатлари ҳисобланса, томонлар жавобгарликдан озод этилади, хусусан: ёнғин, табиий офат ва ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи, томонларга тааллуқли бўлмаган бошқа ҳодисалар форс-мажор ҳолатлари ҳисобланади.

10.2 Ушбу шартноманинг 10.1- бандида кўрсатилган энгиб бўлмайдиган куч ҳолатларига тушган томон бошқа томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги тўғрисида ёзма равишда 2 (икки) кун ичида хабардор қилиши ва тугаганлиги тўғрисида ҳам иккинчи томонга маълум қилиши шарт.

10.3 Энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари содир бўлган тақдирда, мазкур шартноманинг амал қилиш муддати шундай ҳолатлар ва унинг оқибатлари бутун даврига тенг муддатга узайтирилади.

ХІ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

11.1. Томонлар ўртасидаги келишмовчиликлар ва/ ёки ушбу шартномада назарда тутилмаган низоли вазиятлар юзага келган, шунингдек, ушбу шартноманинг 7 ва 8- бўлимларида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари юзага келган тақдирда, Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига амал қилган ҳолда барча келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал этадилар.

11.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликлар музокара йўли билан ҳал қилинмаган тақдирда, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига

мувофиқ, Банкнинг ушбу шартнома асосида кредит ажратган филиали жойлашган ҳудуддаги судга мурожаат қилиш орқали ҳал этилади (Шартнома бўйича судловга тегишлилик).

Банк ушбу шартнома бўйича вужудга келган кредит қарздорлигини ундиришнинг суддан ташқари соддалаштирилган усуллари (Нотариусга ижро хати ёзишни сўраб мурожаат қилиш ва ҳоказо) ҳам фойдаланиши мумкин.

11.3. Банк кредит маблағларининг муддатида қайтарилмаганлиги натижасида вужудга келадиган низоларни судгача ҳал қилишнинг куйидаги усуллари фойдаланиши мумкин:

- Қарз олувчини кредит тўловларини амалга ошириши тўғрисида оғзаки ва ёзма равишда огохлантириш;
- Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг банкдаги барча ҳисобварақларидан (депозит, банк картаси ва х.к.) маблағларни унинг розилигини олмаган ҳолда ечиб олиш.

11.4. Банкнинг ушбу шартноманинг 11.3- бандида кўрсатилган усуллардан фойдаланмаслиги уни судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

XII. ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

12.1. Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) ушбу шартномани имзолаш орқали Банкка Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг шахсига оид маълумотларга ишлов беришга ўз розилигини беради.

12.2. Банк Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг шахсига оид маълумотларига куйидаги мақсадларда ишлов беради ва ишлов бериши мумкин:

- ушбу шартнома бўйича Банкнинг ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини ижро қилишда;
- Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) ҳуқуқ ва мажбуриятларини лозим даражада амалга оширилишини таъминлашда;
- Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) тўғрисидаги кредит ахборотини олишда;
- Банкка кредит ресурсларини тақдим қилувчи томонидан талаб қилган маълумотларни тақдим қилишда (кредит жалб қилинган ресурслар ҳисобидан амалга оширилган тақдирда);
- кредит таъминоти оид битимларни расмийлаштириш учун нотариус, суғурта компаниялари, гаров реестри, кадастр ва ички ишлар идораларига мурожаат қилишда;
- муайян банк хизматининг самарадорлигини баҳолаш учун маркетинг изланишларини ўтказиш, таҳлилий ёки статистик маълумотларни тайёрлаш ва умумлаштиришда;
- Банк бошқарув органлари, назорат органлари, аудитор ёки потенциал инвесторлар учун Банкнинг фаолияти ва молиявий ҳолатига оид ҳисоботларни тайёрлашда;
- Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) ҳақидаги маълумотларни верификация қилиш, шу жумладан, фирибгарлик ҳолатларига йўл қўйилмаслиги, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида;
- давлат идоралари ҳамда бошқа жисмоний ва юридик шахсларга муддати ўтган кредит қарздорликларини ундириш учун мурожаат қилишда;
- янги банк хизматларини таклиф этиш мақсадида;
- юқоридаги мақсадларни амалга ошириш учун шахсга оид маълумотлар акс этган ҳужжатларни маълумот алмашиниш учун алоқа (почта) хизмати кўрсатувчи ташкилотларга тақдим қилиш, электрон ахборот алмашиниш дастурлари базаларига жойлаштиришда.

12.3. Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) ушбу шартномани имзолаш орқали Банкка Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг шахсига оид маълумотларга ишлов беришга берган розилиги ушбу шартноманинг 14.5-бандига мувофиқ мазкур шартномага қўшимча келишув тузиш орқали чақириб олиниши мумкин.

XIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

13.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда уларнинг ҳар бири ўз фаолиятида коррупцион ҳаракатларни тўлиқ тақиқлаш ва ҳар қандай шаклда ёрдам (бевосита ёки билвосита), шу жумладан пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар, бошқа мол- мулк ёки мулкый характердаги хизматлар, бошқа мулкый ҳуқуқларни олиш/ бериш, муайян масалаларни тезроқ ҳал қилишни таъминлаш, маъмурий ва бошқа тартиб- қоидаларни соддалаштириш, рақобат ва бошқа афзалликларни таъминлашни тўлиқ рад этади. Томонлар ўз фаолиятида амалдаги қонунчилик, шунингдек, унинг асосида ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашишга қаратилган сиёсат ва тартиб (агар мавжуд бўлса) талабларига амал қиладилар.

13.2. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш чоғида ўзлари, ижроия органи, уларнинг масабдор шахслари, ходимлари ва/ ёки бошқа шахсларга (жумладан, жисмоний шахслар, тижорат ташкилотлари ва давлат мансабдор шахсларига) коррупциянинг ҳар қандай шаклини таклиф қилмаслигини, розилик бермаслигини, шунингдек, ҳар қандай шахсдан (тўғридан тўғри ёки билвосита) қонунда белгиланмаган тўловларни олишга ёки қабул қилишга рози бўлмасликларини кафолатлайди.

13.3. Мазкур бўлим шартлари бузилган тақдирда, тегишли томон бошқа томонни бундай бузилиш содир бўлган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади. Томонлар ёзма хабарномада ушбу бўлимнинг қайси қоидалари бузилганлигини тасдиқловчи ишончли фактлар ва материалларни тақдим қилиши шарт.

Ёзма хабарномалар жисмоний ва юридик шахслар учун мўлжалланган “Ипотека- банк” АТИБ расмий веб-сайтидаги коррупцияга қарши курашиш алоқа каналлари орқали амалга оширилади.

13.4. Ушбу бўлим қоидалари тарафлардан бири томонидан бузилганлиги факти тасдиқланганда ва/ ёки бошқа тарафнинг қоидабузарликларни кўриб чиқиш ҳақида хабарнома натижалари юзасидан маълумот тақдим қилмаган тақдирда, бошқа томон шартномани бир тарафлама қисман ёки тўлиқ бекор қилишга ҳақли.

13.5. Мазкур шартномани коррупцияга қарши шартларга асосланиб бекор қилган томон бундай бекор қилиш натижасида етказилган ҳақиқий зарарни талаб қилишга ҳақли. Зарарларни қоплаш тарафлар томонидан ёзма равишда тасдиқланган далолатномада белгиланган муддат ва миқдорда амалга оширилади.

XIV. БОШҚА ШАРТЛАР

14.1. Ушбу шартнома Қарз олувчининг учинчи шахслар билан тузган ҳар қандай турдаги шартномалари (битимлари)дан юридик жиҳатдан мустақил бўлиб, қарз олувчи учинчи шахслар билан тузган шартномалари (битимлари) қоидаларига асосланиб Банкка эътироз билдирмайди.

14.2. Ҳар бир томон ушбу шартнома предмети ва шартларига боғлиқ маълумотларнинг махфийлигини сақлайдилар. Ушбу маълумотларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра тегишли органларга берилиши бундан мустасно.

14.3. Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзоланганидан сўнг кучга киради ҳамда томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларига қадар амал қилади.

14.4. Мазкур шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш томонларнинг келишувига кўра ёки Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ суд тартибида амалга оширилиши мумкин.

14.5. Ушбу шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда, имзолаган қўшимча келишувлар тарзида расмийлаштирилади. Ушбу шартнома ва қўшимча келишувлар

шартлари бир-бирига зид бўлган тақдирда, кўшимча келишув шартлари амал қилади.

14.6. Банк ушбу шартнома доирасидаги ҳар қандай хабарнома, огоҳлантириш ёки талабномани ўз ихтиёрига кўра Қарз олувчи томонидан ушбу шартноманинг 15-бўлимида кўрсатилган почта манзилига буюртма хат кўринишида, телефон рақамига СМС- хабар кўринишида ёки электрон манзилига электрон хабар кўринишида юбориши мумкин.

Хабарнома, огоҳлантириш ёки талабномани ушбу бандда кўрсатилган усулларнинг фақат биттасидан фойдаланган ҳолда юборилиши Қарз олувчига ушбу хабарнома, огоҳлантириш ёки талабнома лозим даражада етказилган деб ҳисоблаш учун кифоя.

14.7. Мазкур шартнома томонлардан ҳар бири учун, бир хил юридик кучга эга бўлган ўзбек тилида 2 (икки) нусхада тузилган.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

Банк: “Ипотека-банк” АТИБ Хоразм вилоят филиали

Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ўзбекистон кўчаси 19-уй

телефон
(факс): 62-770-41-37

х/р: 16103000500000579001 **ИНН:** 200905189

МФО: 00579

Филиал бошқарувчи
ўринбосари-фронт офис бошлиғи

J.Babajanov

Қарз олувчи: KARIMOV UTKIRBEK OKTAMBAYEVICH

Паспорт маълумотлари: AD4347211, 19.08.2023 йилда IIV 33000 томонидан берилган

Манзил: Xorazm viloyati, Xonqa tumani, Madr qishlog'i, Ilg'or maxallasi

телефон: 974522745

Ушбу шартномани ўқиб чиқдим, ушбу шартноманинг сўзлари, бўлимлари ва бандларининг маъноси, мазмуни ва аҳамияти менга тушунарли, шу муносабат билан ушбу шартномани имзолайман ва унинг шартларини ва унда ўзимга юклатилган мажбуриятларни сўзсиз ижро этиш учун қабул қиламан.

(Қарз олувчининг Ф.И.Ш. тўлиқ, ўз қўли билан ёзилади) (имзо)